

**“Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси”**  
**Акциядорлик жамиятининг**  
**2015 йил учун**  
**БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

**Тошкент 2015 й**

## **Махфийлик хабарномаси**

*Мазкур ахборот “Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси” Акциядорлик жамиятининг мулки саналади. Уибу ахборотни қўлга киритган бирор бир шахслар ва ташкилотлар, уни мулкдорнинг руҳсатисиз кўчириши ёки бирорларга берииш ҳуқуқига эга эмаслар.*

Ташкилотнинг тўлиқ номи	“Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси” Акциядорлик жамияти
Қисқартирилган номи	«ЎзРТХБ» АЖ
Қайси ҳужжат асосида таъсис этилган	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 28 февралдаги № ПФ-772-сонли Фармони асосида
СТИР	200933985
ОКОНХ	84100
ОКПО	15350786
Асосий фаолият тури	Биржа хизматлари
Лицензия	№ DB 001 000006, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Кўмитаси (Давлат Ракобатчилик Кўмитаси) томонидан 2003 йил 26 марта берилган
Юридик манзили	Тошкент ш., Бобур кўчаси, 77
Ҳақиқий манзили	Тошкент ш., Бобур кўчаси, 77





## **МУНДАРИЖА:**

- |    |   |
|----|---|
| 5  | Муқаддима   |
| 6  | Жамият түғрисида  |
| 7  | Биржанинг 2015 йил учун Корпоратив мақсад ва вазифалари   |
| 8  | Биржанинг 2015 йил учун стратегияси   |
| 9  | Биржа бозори ва рақобат мұхитига назар  |
| 13 | Жамиятнинг 2014 йилдаги фаолият натижалари  |
| 16 | Биржа товар айланмасини ошириш ва савдо ўтказиш, ҳисоб-клиринг хизматларини күрсатиш механизмларини такомиллаштириш бүйича чора-тадбирлар |
| 19 | Биржа, күргазма-ярмарка ва аукцион савдо иштирокчиларининг ахборот таъминоти  |
| 21 | Техник восита ва технологик жараёнлар модернизацияси  |
| 22 | Кадрлар сиёсати ва тезкор бошқарув оптимизацияси  |
| 24 | Молиявий-иктисодий маълумотлар  |

## **МУҚАДДИМА**

«ЎзРТХБ» АЖ нинг бизнес режаси биржанинг 2015 йилдаги фаолияти учун асосий йўналишларни белгилаб берувчи хужжат сифатида ишлаб чиқилган.

Режа биржанинг мавжуд ва потенциал имкониятларидан фойдаланиш хисоби билан ишлаб чиқилган бўлиб, жамиятнинг 2015 йилдаги фаолият мақсадларини белгилайди ва унинг олдига корпоратив вазифалар қўяди, ушбу вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига қаратилган аниқ ташкилий-техник ва молиявий чора-тадбирларини шакллантиради, ҳамда Биржа фаолияти рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш дастури бўлиб хизмат қиласди.

Бизнес режа чора-тадбирларини бажариш, унда кўзда тутилган барча чораларнинг реализацияси бўйича тизимли ишлар ва унинг Биржа бошқаруви томонидан ижроси устидан мунтазам мониторинг, корпоратив маслаҳатчи, ички аудит хизмати ва кузатув кенгаси томонидан назорат олиб бориш хисобига таъминланади.

## **ЖАМИЯТ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йилдаги 28 февралдаги № ПФ-772-сонли Фармонига биноан, “Узоптбиржеторг” Бирлашмаси таркибида таъсис этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 апрелдаги № ПФ-2836 сонли Фармонига биноан, «ЎзРТХБ» АЖ “Узоптбиржеторг” Бирлашмаси таркибидан чиқарилган ва ўз фаолиятини мустақил бозор тузилмаси сифатида амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги №-66 сонли “Биржа фаолиятини лицензиялаш түғрисида” ги Қарорига мувофиқ, 2003 йил 28 марта биржага № RR 38-02-сонли лицензия берилган.

Биржа ўз фаолиятини акциядорлик жамияти шаклида олиб боради.

Биржа устав жамғармаси 15 741 268.2 минг сўм миқдорида шакллантирилган бўлиб, тарқатилган улушлар сони – 24 986 140 донани ташкил қиласди.

Биржа устав жамғармасида давлат улуши – 26.01 % га teng.

Қуйидагилар биржа акциядорлари саналади:

ХОАББ «Трастбанк» - 22,13 %;

«PRESYSTEMUNIVERSAL» ҚҚ МЧЖ- 14,68 %;

«Ўзнефтмаҳсулот» АК - 6 %;

АГМК – 6 %;

«Ўзбек металлургия комбинати» АЖ- 6 %;

бошқа юридик ва жисмоний шахслар - 20 % дан кам.

## **БИРЖАНИНГ 2015 ЙИЛДАГИ КОРПОРАТИВ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**“ЎзРТХБ” АЖ нинг 2015 йилдаги асосий мақсадлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:**

биржада амалга оширилаётган битимлар ҳажмини 10 % га ошириш;

биржа савдоларини ўтказиш, давлат ва корпоратив харидларни, кўргазма-ярмарка савдолар ва мижозларга ҳисоб-клиринг хизмат кўрсатилишини ташкил этиш механизmlарини такомиллаштириш;

Жамият фаолиятини тасвирловчи иқтисоддий кўрсатгичларни яхшилаш (акциядорларга тўланадиган фойда, даромад ва дивидендлар ҳажми), шу жумладан:

биржа фойдасини 8-10 % га ошириш;

акциядорларга тўланадиган дивидендлар ҳажмини ҳар бир улуш учун 190 сўм даражасида белгилаш.

## **БИРЖАНИНГ 2015 ЙИЛ УЧУН СТРАТЕГИЯСИ**

Биржанинг 2015 йил учун Стратегияси олдиға қўйилган мақсадларга қўйидаги вазифаларни ҳал қилиш воситасида эришиш учун биржанинг рақобатбардош имтиёzlаридан фойдаланишга қаратилган:

биржа, кўргазма-ярмарка ва аукцион савдоларида реализация қилинадиган махсулот номенклатуроси ва ҳажмларини кенгайтириш, савдолар олиб бориш механизmlарини такомиллаштириш ҳисобига биржа товар айланмасини ошириш;

кичик бизнес учун иқтисодиётнинг ушбу сектори корхоналари томонидан моддий ресурсларини харид қилишлари ва ўзлари ишлаб чиқарган махсулотларини очик савдоларда реализация қилишлари учун мақбул шароитлар яратиш;

биржа товар бозорининг акциядорлари, иштирокчиларининг ахборотга оид, шунингдек республика ҳамжамиятлари ва хорижий инвесторларнинг биржа ва унинг фаолияти тўғрисидаги хаққоний маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

биржанинг техник ва технологик модернизацияси;

“ЎзРТХБ” АЖ да оператив бошқарувини оптималлаштириш ва кадрлар сиёсати самарадорлигини ошириш.

## **БИРЖА БОЗОРИ ВА РАҚОБАТ МУҲИТИГА НАЗАР**

Ўзбекистон республикасидаги биржа бозори З та асосий сегментга бўлинади: товар (товар-хом ашё), фонд ва валюта. «ЎзРТХБ» АЖ ўз фаолиятини биржанинг товар бозорига қаратади.

Товар бозорларидаги биржа савдоси республикада олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларда аҳамиятли роль ўйнайди, ва қўйидагиларни таъминлайди:

корхоналарнинг йириклиги ва уларнинг худудий жойлашуви, мулкчилик шакли ва ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъий назар, республика барча корхоналарининг моддий ва хом ашё ресурсларига бир хил киришлари;

корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг янги бозорларга реализация қилиш имконияти;

савдоларнинг очиқлиги ва маълумлиги, савдолардаги рақобатнинг максимал даражаси ҳисобига бозор нархларининг оптималь шаклланиши;

шартномавий мажбуриятларнинг ижросин кафолатлаш.

Биржа савдосининг қўйидаги имтиёзлари бор:

савдони ташкиллаштиришнинг юқори даражаси, савдо қоида ва бизнес айланмаси меъёрларининг очиқлиги ва олдиндан маълумлиги;

бозорнинг юқори ликвидлиги, савдолардаги талаб ва эҳтиёжнинг концентрацияси;

битим бўйича ҳукуқ ва бурчларнинг оммавий белгиланиши, хакамлик (арбитрлик) тезкор ва оммавий аралашуви имконияти;

транзакцияларнинг паст қиймати.

Биржа савдосининг Республика ҳукумати томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлардаги муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан биржа савдоси имтиёзларининг тан олиниши, соҳанинг ривожланиш истиқболлари мақбул деб баҳоланмоқда ва биржа товар бозорининг барча сегментларидағи савдо айланмаси ўсиши кутилмоқда.

### Ўзбекистон республикасидаги биржа бозорининг тузилмаси



	Биржа бозори	
Биржа фонд бозори	Биржа валюта бозори	Биржа товар бозори
“ТОШКЕНТ” республика фонд биржаси	Республика валюта биржаси	республика товар-хом ашё биржаси
Республика валюта биржаси		Республика универсал агросаноат биржаси

Биржанинг биржа товар бозоридаги рақобатчиси – республика универсал агросаноат биржаси ҳисобланади. «ЎзРТХБ» АЖ нинг улушига миллий биржа товар бозоридаги айланманинг 90 % тўғри келади.

«ЎзРТХБ» АЖ нинг асосий рақобатбардош имтиёzlари қуидагилар саналади:

мижозлар томонидан талаб қилинган кенг миқёсдаги хизматлар кўrsatiш;

биржа савдосининг соҳаларга ажратилган инфратузилмаси;

битимларнинг ижроси юзасидан кафолатлар бериш


малакали ходимларнинг мавжудлиги;

замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ва уларнинг доимий модернизацияси.

Юқорида келтирилган рақобатбардош имтиёzlардан фойдаланиш ҳисобига, биржа 1994 йилда таъсис этилганидан бери, республиканинг биржа бозорида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш баробарида, биржа шунингдек кўргазма-ярмарка ва аукцион савдоларини ташкил этиш, ҳисобклиринг ва ахборот хизматлари кўrsatiш бўйича фаолият билан шуғулланади.

### **Биржа мижозларига хизмат кўrsatiш чизмаси (схемаси)**



	Биржа хизматлари	
Савдоларни ташкил қилиш бўйича хизматлар	Хисоб-клиринг хизматлари	Ахборот хизматлари
Биржа савдоларини ташкил этиш бўйича хизматлар	Биржа савдолари иштирокчиларига хисоб-клиринг хизматлари бўйича хизмат кўрсатиш	Товар, иш ва хизматлар нархлари бўйича ахборот бериш хизматлари
Кўргазма-ярмарка савдоларини ташкил этиш бўйича хизматлар	Кўргазма-ярмарка савдолари иштирокчиларнинг мажбурий хисоби бўйича хизматлар	Репозитарий хизматлари
Аукцион савдоларини ташкил этиш бўйича хизматлар		
Давлат харидларини ташкил этиш бўйича хизматлар	Корпоратив харидларни ташкил этиш бўйича хизматлар	

### “ЎзРТХБ” АЖ фаолиятининг асосий йўналишлари

Биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури	Хизмат Бенефициарлари	Иштирокчилар учун имтиёзлар
Биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш	сотувчи-корхоналар – монополиячилар  харидорлар – барча мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар	максулот харидорлари сонини кенгайтириш, ракобатли савдоларда бошланғич нархларни кўтариш ҳисобига қўшимча даромад, контр вакиллар томонидан мажбуриятлар ижросини кафолатлаш; юқори ликвидли ресурсларга бир хилда кириш, контр вакиллар томонидан мажбуриятлар ижросини кафолатлаш;
Кўргазма-ярмарка савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш	сотувчи ва харидорлар – барча мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар	сотув бозорини кенгайтириш, янги контр вакиллар қидирувининг паст қиймати, битимларни тезкор тузиш тезлиги, битим бўйича хуқуқ ва бурчларнинг оммавий белгиланиши ва тезкор ва оммавий арбитрлик аралашуви имконияти
Давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш	бюджет воситалари буюртмачилари – олувчилари  таъминотчилар – барча мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар, асосан кичик бизнес субъектлари	давлат харидларида товар, иш ва хизматлар қийматининг пасайиши, буюртмани жойлаштириш жараёнлари қийматининг пасайиши;  давлат буюртмасига тенг кириш, битим бўйича хуқуқ ва бурчларнинг оммавий белгиланиши
Корпоратив буюртмаларни жойлаштириш бўйича	давлат улушига эга табиий монополия субъектлари,	корпоратив харидларда товар, иш ва хизматлар қийматининг пасайиши, буюртмани жойлаштириш жараёнлари

аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш	буюртмачи корхоналар таъминотчилар – барча мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар, асосан кичик бизнес субъектлари	қийматининг пасайиши корпоратив буюртмасига тенг кириш, битим бўйича хукуқ ва бурчларнинг оммавий белгиланиши
Ҳисоб-клиринг хизмат кўрсатиш	савдо иштирокчилари – корхоналар	контр вакиллар томонидан мажбуриятлар ижросини кафолатлаш;
Ахборот хизматлари	барча мулкчилик шаклидаги корхоналар	товар бозорлари конъюнктураси ҳақида маълумотлар олиш

Биржа 2013 йилдагига нисбатан 10 % га, 2014 йил учун тасдиқланган бизнес режадагига нисбатан 16.9 % га ўсишни таъминлаб, 9600 млрд сўм миқдорида товар айланмасига эришмоқчи.

Бунда, битимлар ҳажмини оширишга, биржанинг барча савдо электрон платформа: биржа, кўргазма-ярмарка, аукцион (давлат ва корпоратив харидларни ташкил этиш бўйича) ларидаги ўсиш ҳисобига эришилади.

### **«ЎзРТХБ» АЖ да 2015 йил учун савдолар айланмасидаги ўсиш прогнози**

(млрд. сўмда)

	<b>2014 й бизнес режаси бўйича</b>	<b>2014й. кутилган</b>	<b>2015й. учун прогноз</b>	<b>2014й. га нисбатан 2015 й. %</b>
<b>Жами савдолар айланмаси</b>	<b>8210,3</b>	<b>8728,8</b>	<b>9600</b>	<b>110,0</b>
шу жумладан:				
биржа савдолари	6629,8	7005,6	7727,9	110,3
кўргазма-ярмарка савдолари (махсулот реализацияси)	817,7	919,8	993,4	108,0
давлат харидлари	511,3	452,5	475,1	105,0
корпоратив харидлар*)	251,5	351,0	403,6	115,0

2015 йилдаги ўсиш суръатлари, жамият фаолиятининг 2014 йилдаги якунларига, ҳамда савдо механизмлари ва барча савдо платформалари фаолияти самарадорлигини такомиллаштиришга қаратилган чораларга асосланади.

### **ЖАМИЯТНИНГ 2014 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ**

2014 йилнинг 9 ойи давомида, “ЎзРТХБ” АЖ даги савдолар айланмаси ўтган йилнинг худди шу даврига солиштирганда 27% га ўсиш билан 6546.6 млрд. сўмни ташкил қилди (2014 йилда тасдиқланган бизнес режага кўра 3.1 %)

Биржа савдо платформаларида амалга оширилган битимлар ҳажми 19.9 % га, яъни кўргазма-ярмарка савдолари – 49.5 % га, давлат харидлари бўйича

аукционлар – 11.7 % га ўсди.

### **2013-2014 йй. январь-сентябрь давридаги битимлар ҳажмидаги солиштирма кўрсатгичлар**

**Жадвал-1**

<b>Кўрсатгичлар</b>	<b>2013 й. январь - сентябрь</b>	<b>январь – сентябрь 2014 й.</b>		<b>январь – сентябрь 2014 й. % да</b>	
		<b>режа</b>	<b>факт</b>	<b>режа</b>	<b>2013 й.</b>
<b>Жами битимлар ҳажми</b>	<b>5154,8</b>	<b>6349,0</b>	<b>6546,6</b>	<b>103,1</b>	<b>127,0</b>
шу жумладан:					
биржа савдолари	4381,9	5096,2	5254,2	103,1	119,9
кўргазма-ярмарка савдолари	461,4	680,8	689,8	101,3	149,5
давлат харидлари	303,9	383,4	339,4	88,5	111,7
корпоратив харидлари *)	7,6*)	188,6	263,2	139,5	*)

\*) 2013 йил сентябрдан киритилган.

Биржа савдо платформаларида ўтган йилинг худди шу даври билан солиштирганда 22% га ўсиш билан 4544.8 млрд сўмга юқори ликвидли махсулот реализация қилинган, ва унинг биржа савдоларида амалга оширилган битимлардаг улуши – 86.5 % ни ташкил этди.

Савдоларга қуйидаги юқори ликвидли махсулотларни қўйиш сезиларли даражада ўсди: дизел ёқилғиси –64,7% га, иккиламчи алюминий –34,9% га; метал рух –20,4% га; пахта чигити –38,2% га; кўмир –61,5 % га; цемент –11,5 % га; хашак буғдойи –10,7% га, ун - 10,8% га.

Биржа ва кўргазма-ярмарка савдолари орқали экспорт 2013 йилнинг 9 ойига нисбатан 21.6 % га ўсиш билан 311.3 млрд сўмни ташкил қилди. Валюта савдо майдончаси орқали 95.1 млн АҚШ Доллари қийматида махсулот экспорти амалга оширилган.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар савдоларда ҳақиқий бозор нарх (бошланғич нархлардан юқори) ларини шакллантириш ҳисобига 2168.4 млрд сўм миқдорида қўшимча даромад олишди, 2013 йилнинг худди шу даври билан солиштирганда – 32 % ни ташкил қилди.

Биржа, кўргазма-ярмарка ва аукцион савдоларда шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаол иштирок этдилар. Тадбиркорлик субъектлари томонидан махсулотни реализация қилиш 1201.6 млрд сўмни, ташкил қилди, бу эса 2013 йилнинг кўрсатгичларидан 92.1 % га ортиқ (2013 йилда 625.3 млрд сўм).

Аукционларнинг электрон тизимида бошланғич нархларнинг пасайиши туфайли 339.4 млрд сўмга давлат харидлари амалга оширилди, ва бу ўтган йилнинг худди шу даври билан солиштирганда 11.7 % га кўп демакдир (2013 йилнинг 9 ойи учун – 303.9 млрд сўм). Бюджет маблағларини савдолар жараёнида нархларни пасайтириш ҳисобига тежаш, 82.2 млрд сўмни ташкил

қилди, ва бу ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 41.7 % га кўп демакдир. (2013 йлда 58 млрд сўм). Товар (иш, хизмат) етказиб берувчилари (таъминотчилари) нинг умумий сонида – кичик корхоналарнинг улуши ўтган йилдаги 83.1 % га қарши – 92.7 % ни ташкил қилди.

Электрон корпоратив харидлар тизимида 263.2 млрд сўм миқдорида битимлар амалга оширилди, молиявий маблағларни тежаш 49.4 млрд сўм ёки харидларнинг бошланғич нархидан 15.8 % ўсишни ташкил қилди.

Замонавий дастурний маҳсулот, интерфаол хизмат ва маълумотлар омборини ривожлантириш ва жорий этиш мақсадида, АҚТ ни ривожлантириш бўйича қуидаги хужжатлар тасдиқланган:

“ЎзРТХБ” АЖ нинг 2014 йилдаги фаолиятини такомиллаштириш режаси, унинг 4 бўлими техник ва технологик модернизация, янги АҚТ ларни жорий этишга бағишлиланган бўлиб, ЎзРТХБ АЖ Бошқарувининг 01.02.2014 й.даги № 1 сонли баённомаси билан тасдиқланган;

“ЎзРТХБ” АЖ нинг барча структуравий тузилмаларида АҚТ ларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси, ЎзРТХБ АЖ Бошқарувининг 07.02.2014 й.даги № 71 сонли баённомаси билан тасдиқланган;

Макроиктисодий тараққиёт, структуравий ислоҳотлар, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва худудларнинг комплекс ривожланиши масалалари бўйича ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 28 декабрдаги № 382 сонли “Электрон хукумат” тизимининг келгусидаги ривожланиш масалалари бўйича ахборот ва телекоммуникация Мажмуасининг қўшма мажлис баённомаси ижроси юзасидан чора-тадбирлар режаси, ЎзРТХБ АЖ Бошқарувининг 15.01.2014 й.даги № 9 сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Юқорида келтирилган режаларнинг ижроси мақсадида. АҚТ ларни жорий этиш бўйича қуидаги амалий чоралар кўрилган:

стистистика ва таҳлилий материалларнинг автоматик режимга кўчирилиши билан тизимлаштирилган маълумотлар банки яратилди;

«ЎзРТХБ» АЖ кузатув кенгаши аъзолари учун шахсий кабинет жорий этилди;

Биржа савдоларининг барча иштирокчилари учун бир қатор янги интерфаол хизматлар кўрсатувчи янги лойиҳа “Мижознинг шахсий кабинети” жорий этилди;

биржа ва савдо майдончалари аъзоларининг абонентлик тўлови бўйича карздорлик устидан мониторинг олиб бориш учун модуль киритилди;

биржа мижозларининг ХКП даги ҳисоб қолдиқларини текширишлари учун Web модуль киритилди;

Арбитрлик комиссияси ва ХКП фаолиятидаги ўзаро харакат модули жорий этилди.

брокерлик идораларини тузилган шартномалар бўйича тўлов муддатларининг тугаганлиги ҳақида огоҳлантириш дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва жорий этилди;

иш юритишни такомиллаштириш мақсадида, биржада ЭДо тизимини, айниқса “Е-ХАТ тизими” ни жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда;

марказий аппарат ва худудий бўлимларнинг электрон ракамли имзодан фойдаланиб, янги электрон хужжатлар алмашиш тизими «ijro» га уланиш бўйича ишлар олиб борилмоқда;

электрон биржасавдолари дастурларининг назорат қилинишини

таъминлаш, қонунчилик талабларига мувофиқ камчиликларни аниқлаш, янги функцияларни жорий этиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

## **БИРЖА ТОВАР АЙЛАНМАСИНИ ОШИРИШ, САВДОЛАР ЎТКАЗИШ ВА ҲИСОБ-КЛИРИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

### **Биржа савдолари товар айланмасини ошириш**

Биржа савдо платформаларида олиб борилаётган битимлар ҳажмини 10 % га ошириб, 9600 млрд сўмга етказиш режалаштирилмоқда. бунда биржа савдоларида махсулот, хом ашё ва материалларни 7727.9 млрд сўм ёки жорий йилда кутилаётган ҳажмдан 10 % ортиқ миқдорга ошириш кўзда тутилган.

Биржа савдоларидаги битимлар ҳажмини 7727.9 млрд сўм ёки 10.3 % гача ошириш режалаштирилмоқда.

Биржа савдоларига юқори ликвидли махсулотни қўйишининг потенциал имкониятларининг баҳоси, алоҳида турлардан ташқари 2014 йил даражасидаги ҳажмларнинг сақлаб қолинганлигидан далолат беради, шунинг учун, биржа платформасидаги битимлар ҳажмида унинг улушкини бироз пасайиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Кўмитасининг ҳудудий органлари билан монополиячи-корхоналар томонидан жадвалларга биноан юқори ликвидли махсулот, хом-ашё ва материалларнинг биржа савдоларига киритилишини назорат қилиш бўйича ишлар давом эттирилади, ва бу сезиларли даражада моддий балансларда назарда тутилган кўрсатгичларнинг ижро даражасини оширади.

2014 йилда, шунингдек маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларнинг биржа савдоларига жалб қилиш ва уларни котировкалаш варогига киритиш мақсадида уларнинг фойдаланилмаган потенциалини ўрганиш бўйича ишлар давом эттирилади.

### **Давлат ва корпоратив харидларни ташкил этиш бўйича электрон аукцион савдоларини ўтказиш механизмларини такомиллаштириш**

Давлат ва корпоратив харидларни ташкил этиш бўйича аукцион савдолари айланмасини ошириш қуидагиларга қаратилган чора-тадбирлар реализацияси ҳисобига амалга оширилади:

биржа томонидан олиб борилаётган аукцион савдоларида реализацияси амалга оширилаётган товар (иш, хизматлар) рўйхатини кенгайтириш;

корпоратив харидлар иштирокчилар сонини, электрон савдолардаги иштироки мажбурий бўлмаган корхоналарни жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш;

савдолар натижаларининг мунтазам таҳлилини олиб бориш, товарлар хариди электрон тизимида жойлаштирилган аризаларнинг баражилмаганлик сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш.

2015 йилда электрон давлат ва корпоратив харидлар бўйича битимларнинг 878.7 млрд сўмлик ҳажмига эришиш кўзда тутилмоқда, шу жумладан:

давлат харидлари бўйича электрон аукцион савдолари – 475.1 млрд сўм (ўсиш – 5%);

корпоратив харидлар бўйича электрон аукцион савдолари – 403.6 млрд сўм (ўсиш – 15%).

Кичик бизнес субъектлари махсулотларини маълум қилиш маркази томонидан давлат ва корпоратив харидларни ташкил этиш бўйича илғор хориж тажрибасини ўрганиш, унинг Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва электрон аукцион савдолари жараёнларини ташкил этиш механизmlарини ҳамда биржа меъёрий-хуқуқий далолатномалари, махаллий ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан қўшимча ишлар олиб борилади.

### **Кўргазма-ярмарка савдосини ривожлантириш**

Кўргазма-ярмарка савдоси электрон тижоратни ривожлантириш учун асос сифатида, республика корхона ва ташкилотлари, ва биринчи ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг унда иштирок этишлари учун янада жозибадор ва мақбул шартлар яратишга кўмаклашувчи янги механизmlарни жорий этиш асосида такомиллаштирилади.

Кичик бизнес субъектлари махсулотларини маълум қилиш маркази томонидан хориждаги энг муваффақиятли электрон савдо майдончаларининг фаолиятни ташкил этиш тажрибаси ўрганилади ва умумлаштирилади, ҳамда “ЎзРТХБ” АЖ да кўргазма-ярмарка савдосини ташкил этиш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилади.

2015 йилда кўргазма-ярмарка савдосини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири бу – кафолатланган кўргазма-ярмарка битимларини амалга ошириш механизмини киритиш, ва ташқи савдо битимларини тузиш ва ижро этиш жараёнларини соддалаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш ҳисобланади.

Кўргазма-ярмарка савдосини такомиллаштириш, савдоларга янги иштирокчилар жалб қилиш ва электрон тизимда реализация қилинадиган товарлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ижроси натижасида, 2015 йилда “ЎзРТХБ” АЖ да кўргазма-ярмарка савдоси айланмасини 8 % га ошириб, савдолар битимларининг ҳажмини 993 млрд сўмга етказиш режалаштирилмоқда.

### **Ҳисоб-клиринг хизмат кўрсатишни такомиллаштириш**

2015 йилда ҳисоб-клиринг хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида, қуйидагилар кўзда тутилмоқда:

кафолатланган таъминотли биржа битимлари бўйича ҳисоб-китоблар ўтказиш учун дастурий комплексни такомиллаштириш.

кўргазма-ярмарка битимлари бўйича ҳисоб-китоблар ўтказиш учун дастурий комплексни жорий этиш;

биржа савдолари иштирокчилариға ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилиши учун, бўлимлар ходимларининг дастурий тизимларга киришини кенгайтириш;

давлат, корпоратив харидлари, кўргазма-ярмарка савдолари бўйича мижозларни рўйхатга олиш бўйича ягона модулни ишлаб чиқиши.

ХКП нинг савдо иштирокчилари мажбуриятларининг тўлиқ ижросини таъминлайдиган механизмларни жорий этиш учун меъёрий асос яратиш ва ХКП фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс чоралар кўрилади. Биржа аъзоларининг сони етарли бўлмаганда, биржа битими бўйича мажбуриятлар ижроси, уларга пуллик ва қайтариш асосида тузилган биржа битимлари ижросини таъминлаш орқали таъминланади.

## **БИРЖА, КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА ВА АУКЦИОН САВДОСИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ**

2015 йилда Биржа савдо иштирокчилари ва биржа аъзоларига ахборот хизмат кўрсатишнинг янги сифатига эришмоқчи. Ахборот-таҳлилий фаолиятнинг асосий ургуси маҳсус ахборот порталини яратиш, унинг функцияларин кенгайтиришга қаратилади. Маҳсус ахборот порталини такомиллаштириш ҳисобига, 2015 йилда биржа ўзининг репозитар хизматлари соҳасини кенгайтириши мумкин, ва бу биржа даромадининг ошишида аниқ акс этади.

Ахборот фаолияти соҳасида, котировка, таҳлилий ва бошқа бизнес маълумотларнинг кенг жамоатчиликка, шунингдек тегишли вазирлик ва идораларга етказиш бўйича тизимли ишлар олиб борилади.

Шахсий ахборот ресурслари, шу жумладан корпоратив портал, газета ва “UzEx янгиликлари” телевизион дастурини масштабли янгилаш ва модернизациялаш олиб борилади. Мазкур тадбирларни олиб боришдан асосий кўзланган мақсад – уларнинг фойдаланувчилар орасида хабардорлик ва машҳурлигини оширишдан иборат.

ЎзРТХБ АЖ Кузатув кенгаши ва акциядорларини биржа фаолияти ҳақидаги тезкор маълумотлар билан таъминлаш мақсадида, “Биржа бюллетени” (Ахборотномаси) ахборот маҳсулотининг электрон юборилиши амалга оширилади.

Айниқса, ахборот маълумотларининг пуллик хизмати ривожланади. Бу хизматлар сирасига, маълумотни корпоратив портал орқали, асосан мижозлар талаблари бўйича котировкалар, мижоз ва обуначилар буюртмаларига кўра ахборот-таҳлилий кўрувлар ҳақида ахборот бериш, биржа ахборот ресурсларига реклама жойлаштириш киради.

Умуман олганда, бу воситалар биржа фаолиятининг ОАВ ларда кенг ёртилиши ва қўшимча даромад олишга кўмаклашиши мумкин.

Товар ишлаб чиқиравчилар томонидан ўсаётган талабдан келиб чиқиб, ҳамда қўшимча даромад олиш мақсадида, республикада амалга оширилаётган давлат ва корпоратив харидларини жойлаштириш бўйича аукцион, танлов ва тендер савдолари ҳақидаги маълумотлардан иборат ахборот пакетларига пуллик обуна ташкил этилади, бунда турли хилдаги товар ва хизматлар учун биржа, ярмарка ва аукцион нархлари даражаси ҳақида маълумотларни пуллик асосда тақдим этиш амалиёти кенгайтирилади.

Савдолар якунларини таҳлил қилиш, дунёning товар бозорлари ва хориж бозорларининг конъюнктурасини доимий мониторинг ва таҳлил қилиш, келгусида биржা фаолиятини ёритиш мақсадида ишлатиш учун таҳлилий материал ва ахборотлар шакллантиришга имкон беради.

Товар бозорининг алоҳида сегментлари учун таҳлилий кўрувлар бозор конъюнктурасини, қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқболли прогнозлар билан биргаликда акс эттиради.

Халқаро алоқаларни ўрнатиш ва яхшилаш, халқаро ярмарка ва кўргазмалар ташкил этиш бўйича ишлар фаоллаштирилади.

Муваффақиятли ахборот-таҳлилий ишга ёрдамлашувчи энг муҳим омиллардан бири бу – реклама-маркетинг ва PR фаолиятини ташкил этиш бўлади.

Бундан ташқари, биржা фаолиятининг ажралмас қисми сифатида – кенг жамоатчилик ва ОАВ билан ўзаро фаолият ҳисобланади. Бу йўналишда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган й:

пресс-релиз ва ахборот материалларини тайёрлаш.

ахборот агентликлари билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш, биржা фаолиятини янада кенгроқ ва тўлароқ ёритиш мақсадида миллий ва хорижий ОАВ билан ҳамкорлик қилиш.

раҳбарият учун тегишли ҳисботлар тайёрлаш учун биржা фаолиятини доимий аснода ОАВ да кузатиб ва ёритиб бориш.

## **ТЕХНИК ВОСИТА ВА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ. АСОСИЙ ЖАМҒАРМАЛАРНИ ЯНГИЛАШ**

2015 йилда техник воситаларни модернизациялаш ва янгилаш асосида технологик жараёнларни такомиллаштириш бўйича қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ахборотнинг ўсуви хажмларининг барчасини қўчириш ва резервлаш тармоқларини оптималлаштириш.

Марказий банк томонидан тақдим этиладиган бош алоқа каналидан узилганда, савдолар олиб боришга, ҳамда биржанинг расмий сайтларини қўллаб туришга имкон берадиган тармок қурилмасидан фойдаланиб, резерв алоқа каналини яратиш.

Электрон рақамли имзо (ЭРИ) ни рўйхатдан ўтказиш Марказини яратиш орқали ЭРИ ни жорий этиш, бунда ЭРИ қофозли ташувчиларни рад этиш, воситаларни тежашни таъминлаб, биржা тизимларида ахборот хавфсизлиги бўйича ҳимоя механизмларидан бири сифатида электрон тижоратни яратиш ва ривожлантириш учун замин яратади.

2015 йилда ривожлантириш назарда тутилган йўналишлардан бири бу – биржা савдоси иштирокчиларини СМС хабар беришдир. Бу хизмат биржা савдоси иштирокчиларига сўров асосида СМС шаклида долзарб маълумотларни олиш имконини беради.

Юқорида санаб ўтилган технологик жараёнларни модернизациялаш йўналишлари реализацияси учун, 1.3 млрд сўм миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилган.

2015 йилда Жамият асосий воситаларини янгилаш бўйича ишлар давом эттирилади.

Хоразм, Навоий ва Жиззах бўлимлари ва биржанинг асойиофис жойлашган биноларнинг капитал таъмирини ўтказиш учун 3.35 млрд сўм ажратиши кўзда тутилган.

## КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА ТЕЗКОР БОШҚАРУВ ОПТИМИЗАЦИЯСИ

Жамиятнинг кадрлар сиёсати уни ривожлантириш стратегиясининг ажралмас қисми бўлиб, ходимларни тезкор бошқаришни оптималлаштиришга қаратилади.

Ходимларни бошқариш тизими юзага келувчи кадр муаммоларига пост-жавоб қайтариш усулидан таҳлил ва диагностика асосида ходимлар билан ишлашни тизимли ва доимий такомиллаштиришга ўтиш орқали такомиллаштирилади.

“ЎзРТХБ” АЖ да 2015 йилда кадрлар сиёсати мақсадларига эришиш биржа фаолиятининг юқори кўрсатгичларини таъминлаш, кадрлар окувчанлигини камайтириш ва ходимларнинг ушбу Бизнес режа билан олдига қўйилган мақсадларга тўла бағишли мотивациясини пасайтириш, “ЎзРТХБ” АЖ ходимлари ва акциядорлари манфаатларини ҳамоханг мувофиқлаштириш мақсадида ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида ходимларни бошқариш бўйича самарали механизмдан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Биржа кадрлар сиёсатининг асосий вазифаси – мутахассислар тайёрлаш ва улар малакасини доимий асосда ошириш, ишнинг ракобатбардош шароитларини яратиш, у учун мукофотлаш ва кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш саналади.

Биржанинг малакали кадрлар билан таъминлашдаги мураккабликлар республикада биржа, кўргазма-ярмарка ва аукцион савдоси учун кадрлар тайёрлайдиган олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

2015 йилда куйидагилар назарда тутилган:

биржа ходимлари учун биржа, кўргазма-ярмарка ва аукцион савдоларини ташкил этиш масалалари юзасидан семинар-тренинглар ўтказиш;

қонунчиликдаги ва биржанинг маҳаллий меъёрий хужжатларидаги ўзгартиришлар масалалари бўйича ҳар ойда брифинглар ташкил этиш;

компьютер саводхонлигини ошириш ва биржада қўлланиладиган ахборот технологияларини ўрганиш бўйича ўқув курслари ташкил этиш;

ходимларнинг мустақил таълим олиши ва касбий тайёргарлик савијасини ошириши учун корпоратив кутубхона ташкил этиш.

Биржа бошқаруви томонидан тасдиқланган “ЎзРТХБ” АЖ ташкилий тузилмалари ходимларининг ишлаб чиқариш фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантириш шартлари тўғрисидаги Қоидаларга мувофиқ, ҳар бир чорак якунларига кўра, биржа бўлинмалари ва ҳар бир мутахассис томонидан дастурий хужжатлари билан назарда тутилган кўрсатгичларнинг ижроси юзасидан объектив коллегиал баҳо бериб борилади.

Мехнат натижаларини баҳолаш мезоналари сифатида биржанинг барча савдо платформалари айланмалар ўсиш суръатлари кўрсатгичлари, маҳсулотнинг валюта савдо майдончаси ва кўргазма-ярмарка савдолари орқали экспорт қилинганлиги кўрсатгичлари, савдога қўйилган маҳсулот номенклатурасини кенгайтириш, биржа мижозлари сонини кўпайтириш ва мутахассиснинг кўрсатилган дастурларда келтирилган кўрсатгичларга эришида

кўшаётган ҳиссасини тасвирловчи бошқа кўрсатгичлар, шу жумладан бизнес сифатлари ва ижро интизоми ва хк.кўрсатгичлари олинади.

Биржани ривожлантириш дастурий хужжатларининг ижросидаги бизнес фаолликни ошириш мақсадида, ва Ижро органи томонидан тасдиқланган тизимга биноан, ҳар чоракда бўлимлардаги бизнес мухитнинг ривожланиши баҳоланиб борилади.

Ижтимоий тараққиёт бўйича чора-тадбирлар биржа касбий бирлашмаси кўмитаси билан хамкорликда ишлаб чиқилади ва реализация қилинади, шунингдек қуидагиларни таъминлайди:

мехнат учун қулай ва хавфсиз шароитлар;

тиббий хизмат кўрсатиш;

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисалардан ҳимояланганлик тўғрисида кафолатлар тақдим этиш;

жисмоний тарбия ва спортни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш;

ходимларнинг мустақил ижодларини ривожлантириш.

## МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Биржанинг асосий фаолиятдан олинадиган даромади – қуидаги кўрсатиладиган **биржа хизматларидан** олинадиган комиссия божи (тўлови) дир:

кафолатли битимлар бўйича;

клиринг хизматлари;

кўргазма-ярмарка савдолари тизимидағи битимлар;

давлат харидлари тизимидағи битимлар;

корпоратив харидлари тизимидағи битимлар;

махсус ахборот порталига эълонлар жойлаштириш;

ахборот-таҳлилий материалларни тақдим этиш.

**Биржа аъзоларига кўрсатиладиган хизматлардан олинадиган фойда:**

автоматлаштирилган иш ўрни учун бож;

брокерлик жойи учун бож;

савдо майдончаларини улаш учун божлар.

**Асосий фаолиятдан олинадиган бошқа фойда:**

қисқа муддатли ижара

**Молиявий фаолиятдан олинадиган фойда:**

бўш воситаларни жойлаштиришдан олинадиган фоизлар;

ижобий курс фарқи.

Даромад бирликлари бўйича режалаштирилаётган кирим, сўмли ифодада, чораклар кесмасида қуидагича кўринишда бўлади:

(минг сўмда)

Даромад номи	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак	ЖАМИ
Комиссия божларидан тушган кирим	7 038 380	7 333 962	7 639 543	8 556 289	31 189 217
Биржа аъзоларига ва	173 170	181 829	193 149	193 140	780 983

савдо иштирокчилариға кўрсатиладиган хизматлардан олинган фойда (брокерлик ўрни, иш ўрни бериш, алоқа канали линиясига улаш)					
Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромад	22 530	23 657	25 129	25 128	142 657
Молиявий фаолиятдан олинган даромад	650 214	682 725	725 228	725 194	4 203 553
<b>ЖАМИ</b>	<b>7 874 380</b>	<b>8 222 172</b>	<b>8 583 049</b>	<b>9 499 751</b>	<b>36 316 410</b>

## **2. Биржа хизматларининг қиймати.**

1. UZBEX тизими билан боғлиқ хизматлар, биржа битимлари билан боғлиқ хизматлар учун ундирилладиган комиссия божлари ҳажми, ҳисоб-клиринг палатаси ва ахборот хизматлари ҳажми Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига 31.12.2014 й.да № ММ/15-04-Уз-2014/17 сони билан рўйхатга олинган “ЎзРТХБ” АЖ хизматлари учун энг кўп тарифлар Декларацияси билан тартибида солинади (ҚҚС сиз).

2. Давлат харидлари тизимидағи битимлар учун комиссия божлари ҳажми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2013 й.даги № ПҚ-1948 сонли Қарорига биноан, хар бир савдо иштирокчисидан битим суммасининг 0,05 % ни ташкил қиласи (ҚҚС билан).

3. Корпоратив харидлар тизимидағи битимлар учун комиссия божи ҳажми, кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига 31.12.2014 й.да № ММ/15-04-Уз-2014/17 сони билан рўйхатга олинган “ЎзРТХБ” АЖ хизматлари учун энг кўп тарифлар Декларациясига мувофиқ хар бир савдо иштирокчисидан битим суммасининг 0,09 % да, (ҚҚС сиз).

4. Корпоратив харидлар бўйича маъсус ахборот порталига эълон жойлаштириш учун тўлов ҳажи, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 25.07.2013 й.даги № ММ/15-04-19-12/99-938-сонли хатига биноан 4200 сўмни ташкил қиласи (ҚҚС билан)

5. Ахборот-таҳлилий маълумотлар учун тўлов ҳажми Бошқарув мажлисининг 21.12.2012 й.даги №-74-сонли Баённомасига биноан хар бир бети учун, 4919 сўм миқдорида белгиланган. (ҚҚС билан)

6. Биржа марказий залида жойлашган автоматлаштирилган брокер иш ўрни учун тўлов ҳажми – 73408 сўм, ва Бошқарувнинг 15.01.2015 й.даги № 12 – сонли мажлис Баёнотига биноан ҳудудий бўлимлардаги савдо залларида – 48544 сўмни ташкил қиласи (ҚҚС билан)

7.Брокерлик ўрни учун тўлов (ЭСБТ тизимига кириш хукуқи) тариф шкаласи бўйича, Бошқарувнинг 15.01.2015 й.даги № 12 – сонли мажлис Баёнотига биноан хар бир трейдер учун 120768 сўмни ташкил қиласи (ҚҚС билан)

8. Ягона савдо майдончасига уланиш учун божлар:

Тошкент шахрида жойлашган бўлса – ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробарида;

Вилоят марказида жойлашган бўлса - ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробарида;  
шахар ва туман бошқарувининг туманларида – бепул.

### **3. Доимий ва ўзгарувчан харажатлар**

**Доимий** харажатлар бу – ҳажми кўрсатиладиган хизматлар билан ўзгармайдиган харажатлардир.

**Доимий** харажатларга қўйидагилар киради:  
бинолар ижараси ва эксплуатацияси – 192 548 минг сўм;

асосий ва номоддий воситалар амортизацияси:  
ишлаб чиқариш мақсадидаги - 578 092 минг сўм;  
маъмурий мақсаддаги – 72 000 минг сўм;

алоқа хизматлари:  
ишлаб чиқариш мақсадидаги – 226 121 минг сўм;  
маъмурий мақсаддаги – 2 945 минг сўм;  
маъмурий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари – 2 313 536 минг сўм  
ижтимоий суғуртага ушланмалар – 267 443 минг сўм  
бошқа харажатлар – 82 068 минг сўм  
интернет – 211 221 минг сўм;  
**УМУМИЙ** ҳажми - 3 734 753 минг сўм.

**Ўзгарувчан** харажатлар қўйидагилардан иборат:  
ишлаб чиқариш мақсадидаги харид қилинган материаллар – 767 946 минг сўм;  
барча турдаги ёқилғи ва энергия – 170 644 минг сўм;  
ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари – 4 843 421 минг сўм  
ижтимоий суғуртага ушланмалар – 1 210 855 минг сўм.

Бундан ташқари, ўзгарувчан харажатлар қаторига, ишлаб чиқариш мақсадидаги харажатлар (асосий воситаларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, автотранспортни сақлаш, ЦБ алоқа каналининг ижараси, иш сафарлари харажатлари) хам киритилган бўлиб, уларнинг ЖАМИ суммаси – 426 815 минг сўм ни ва 40 344 минг сўм даги рекламадан иборат.

Ишлаб чиқариш ва маъмурий мақсаддаги жами ўзгарувчан харажатлар - 12 371 584 минг сўм нии ташкил қиласди.

Бошқа иш харажатлари, жами – 13 234 827 минг сўм.

### **4. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари**

Ишлаб чиқариш мақсадидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари сафига, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича даврий тизим билан қабул қилинган шаклга мувофиқ тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб, амалда бажарилган ишлаб чиқариш ва маъмурий характердаги ҳисобланган ойлик иш ҳақи, шу

жумладан, Биржанинг жамоавий битими билан тасдиқланган “Биржа ишчиходимларини рафбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-куватлаш тўғрисида” ва “Йил якунлари бўйича ишчиларни мукофотлар тўғрисида” ги Қоидалар талаблари билан назарда тутилган бошқа тўловлар киради. Шу тариқа, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлар, жами - 7 747 842 минг сўмни, шу жумладан, 4 843 421 минг сўм микдоридаги ишлаб чиқариш ва 2 904 421 минг сўм микдоридаги маъмурий харажатларни ташкил қиласди.

## **5. Асосий воситалар амортизацияси**

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш мақсадидаги номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатларга – тегишли тартибда тасдиқланган меъёрлар ва ишлаб чиқариш асосий воситаларининг (тикланган) бошланғич қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ушланмалари (ҳисобланган эскириш) суммаси киритилади.

Бизнес режасини тайёрлаш вақтида белгиланган асосий воситалар қийматидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар амортизацияси – 578 092 минг сўмни, маъмурий мақсаддагилари эса – 72 000 минг сўм ни, ва жами 650 092 минг сўмни ташкил қиласди, шу жумладан уларнинг бошланғич қиймати ва фойдали ишлатиш муддатларидан келиб чиқиб ҳисобланган 43 548 минг сўм микдоридаги номоддий активлар эскириши (амортизацияси) билан бирга.

## **6. Қарзга олинган маблағлардан фойдаланиш ва уларни қайтариш.**

Бизнес режани тузиш вақтида, биржа қарзга олинган маблағларга эга эмас ва 2015 йилда заём олишни режалаштирумаяпти.

## **7. Солик ва мажбурий тўловлар**

Биржа умумий белгиланган соликлар, шу жумладан бюджетга мажбурий тўловлар, амалдаги қонунчиликка биноан амалга ошириладиган давлат мақсадли жамғармаларига солик, бож, ушланмалар тўловчиси ҳисобланади.

Соликлар бўйича тўлов Ўзбекистон республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган ставкалар бўйича амалга оширилади:

КҚС – 20 %;

Даромад солиги – 7,5 %;

Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиги – 8 %;

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиги (тахминан);

Ер солиги (тахминан);

Мол-мулк солиги – 4 %;

Дивиденд шаклида тўланадиган даромад солиги – 10 %;

Жисмоний шахслар даромад солиги;

Бюджетдан ташқари жамғармаларга ушланмалар:

Нафақа жамғармаси:

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ЯИТ – 25 %;

Кўрсатилган хизматлар хажмидан – 1,6 %;

Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари – 7 %;

Республика йўл жамғармаси – 1,4 %;

Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси – 0,5 %.

Шундай қилиб, бюджетга тўланадиган тўловлар (мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солик) – 731 057 минг сўм ни, бюджетдан ташқари жамғармаларга ушланмалар эса (нафақа, йўл, мактаб таълимини ривожлантириш), кўрсатилган хизматларни реализация қилиш суммасидан келиб чиқиб ҳисобланган – 1 91 623 минг сўм ни ташкил қиласа, даромад солиғи – 1 371 274 минг сўм ва ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи – 565 575 минг сўм.

## 8. Пул оқимлари ҳақида маълумотлар

(минг. сўмда)

Кўрсатгичлар номи	Сатр коди	Кирим	Чиқим
1	2	3	4
<b>Тезкор фаолият</b>			
Махсулот (товар, иш ва хизмат) реализациясидан келиб тушган пул маблағлари	10	31 189 217	
Материал, товар, иш ва хизмат учун таъминотчиларга пул тўловлари	20		10 959 094
Ходимлар ва уларнинг номига пул тўловлари	30		8 537 435
Тезкор фаолиятдан тушган бошқа пул маблағлари ва тўловлари	40	5 072 936 865	5 059 183 047
Жами: соф пул оқими / тезкор фаолиятдан чиқим(сатрлар 010-020-030+/-040)	50	25 446 507	
<b>Инвестицион фаолият</b>			
Асосий воситаларни харид қилиш ва сотиш	60		
Номоддий активларни харид қилиш ва сотиш	70		
Узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни харид қилиш ва сотиш	80		
Инвестицион фаолиятдан тушган бошқа пул маблағлари ва тўловлар	90		
Жами: соф пул оқими / инвестицион фаолиятдан чиқим (сатр. 060+/-070+/-080+/-090)	100		
<b>Молиявий фаолият</b>			
Олинган ва тўланган фоизлар	110		
Олинган ва тўланган дивидендлар	120		3 043 922
Молиявий фаолиятдан тушган бошқа пул маблағлари ва тўловлар	170		2 500 000
Жами: соф пул оқими/молиявий фаолиятдан чиқим (сатр.110+/-120+130-140+/-150+/-160+/-170)	180		3 723 922
<b>Соликқа тортиш</b>			
Тўланган даромад солиғи (АВ томонидан 11.10.2012 й.да № 1209-5 сони билан рўйхатга олинган МВ нинг янги таҳриридаги Сатр )	190		1 371 274
Тўланган бошқа соликлар	200		8 640 766
Жами: тўланган соликлар (сатр. 190+200)	210		10 012 040

Жами: соф пул оқими/молиявий-хўжалик фаолиятидан чиқим (сатр. 050+/-100+/-180-210)	220	11 710 544	
Пул маблағларини хориж валютасига қайтадан баҳолаш натижасида келиб чиқкан курс фарқлари қолдиги	221		
Йил бошидаги пул воситалари	230	286 107 888	
Йил якунидаги пул воситалари	240	297 818 432	

### **ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ХАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА**

(АҚШ Долл.)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Миқдори	
Йил бошидаги қолдиқ	250	6 448 592	
Жами тушган валюта воситалари (сатр. 261+262+263+264) в том числе	260	76 536 435	
Реализациядан фойда	261	112 291	
Конвертацияланган	262		
Молиявий фаолият бўйича	263		
Бошқа манбалар	264	76 424 144	
Жами сарфланган валюта воситалари (сатр. 271+272+273), в том числе	270	77 518 192	
таъминотчи ва пудратчиларга тўловлар	271	10 974	
Молиявий фаолият бўйича тўловлар	272	2 580	
Бошқа мақсадлар учун	273	77 504 638	
Йил якунидаги қолдиқ	290	5 446 835	

### **9. Даромад ва заарлар прогнози**

Биржа фаолиятининг молиявий якунлари қўйидаги даромад кўрсатгичлари билан тавсифланади:

махсулот реализацияси фойдаси ва реализацияланган махсулотнинг ишлаб чиқариш қиймати орасидаги фарқ сифатида белгиланадиган япли даромад – 23 553 758 минг сўм га тенг.

махсулот реализациясининг япли даромади ва давр харажатлари орасидаги фарқ сифатида белгиланадиган асосий фаолиятдан олинган даромад, ва асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда ва бошқа заарларни кўшмаган тарзда – 6 506 446 минг сўм га тенг.

молиявий фаолият бўйича фойда қўшиб ва харажатларни олиб ташлаб, асосий фаолиятдан олинган даромад суммаси деб ҳисобланадиган – умумхўжалик фаолиятидан тушган даромад – 8 440 956 минг сўм га тенг.

умумхўжалик фаолиятдан олинган даромад деб қараладиган солиққага бўлган фойда, ортиқча даромадни қўшиб ва ортиқча заарларни олиб ташлаганда 8 440 956 минг сўмни ташкил қилиб, у ортиқча даромад ва зарарни режалаштирумасдан туриб умухўжалик фаолиятидан тушган даромадга тенг.

солиқлар тўлагандан кейин биржа ихтиёрида қоладиган йиллик соф даромад, ўз ичига солиқларгача бўлган даромадни олиб, даромад солиғи ва

инфратузилма учун солиқни олиб ташлаб хисобланади. 2015 йилда тахминан режалаштирилган соф даромад – 6 504 107 минг сүм ни ташкил қиласы.

Фойда ва зарар ҳисоботи фойда ва зарар бўйича тузилган сметада кўрсатилган (молиявий режа).

**“ЎзРТХБ” АЖ бўйича  
2015 йил учун  
ДАРОМАД ВА ЗАРАРЛАР СМЕТАСИ  
(молиявий режа)**

(минг. сўм)

КЎРСАТГИЧЛАР		2015 й. режаси такминан	чораклар бўйича			
			1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
<b>I</b>	<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР</b>	<b>36 316 410</b>	<b>8 658 529</b>	<b>8 743 050</b>	<b>9 133 237</b>	<b>9 781 594</b>
	шу жумладан:					
	Комиссия божларидан фойда	31 189 217	7 460 778	7 485 412	7 797 304	8 445 722
	Биржা аъзоларига хизмат кўрсатишдан тушган фойда	780 983	182 443	191 566	203 492	203 482
	Асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда	142 657	33 326	34 992	37 170	37 169
	Молиявий фаолиятдан олинган фойда	4 203 553	981 982	1 031 081	1 095 270	1 095 220
<b>II</b>	<b>ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР</b>	<b>25 606 411</b>	<b>6 451 244</b>	<b>6 199 604</b>	<b>6 109 083</b>	<b>6 846 480</b>
	шу жумладан:					
1	Жами ишлаб чиқариш киймати	8 416 442	2 331 328	2 200 310	1 942 412	1 942 391
	ундан					
1.1	Ишлаб чиқариш материал харажатлари	1 131 138	264 242	277 454	294 727	294 714
1.2	Мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари	4 843 421	1 416 026	1 294 540	1 066 427	1 066 427
1.3	Ижтимоий суғуртага ушлунмалар	1 210 855	354 006	323 635	266 607	266 607
1.4	Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси	578 092	144 523	144 523	144 523	144 523
1.5	Ишлаб чиқариш мақсадидаги бошқа харажатлар	652 936	152 531	160 157	170 128	170 120
2	Давр харажатлари	17 189 969	4 119 916	3 999 294	4 166 671	4 904 089
2.1	Реализация харажатлари	40 344	9 425	9 896	10 512	10 511
2.2	Маъмурий харажатлар	3 914 798	1 134 527	1 037 960	871 157	871 155
	мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари	2 904 421	853 551	774 314	638 278	638 278
	ижтимоий суғуртага ушлунмалар	726 105	213 388	193 578	159 570	159 570
	маъмурий мақсаддаги асосий воситалар амортизацияси	72 000	18 000	18 000	18 000	18 000
	Бошқа маъмурий харажатлар	212 273	49589	52068	55309	55307
2.3	Бошқа операцион харажатлар	13 234 827	2 975 964	2 951 438	3 285 002	4 022 423
	бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ушлунмалар	1 822 679	431 908	441 309	463 384	486 074
	компенсация ва рағбатлантириш характеридаги тўловлар	2 433 397	465 363	328 107	555 959	1 083 968

	хомийлик ёрдами	1 370 873	323 711	348 554	348 554	350 054
	ИВ бюджетдан ташқари жамғармаларига ушланмалар ва харжатлар	7 607 878	1 754 982	1 833 469	1 917 101	2 102 327
3.	Молиявий фаолият харажатлари	2 269 043	530 065	556 569	591 218	591 191
	Молиявий натижа солиқларни тўлашгача бўлган даврда	8 440 956	1 677 220	1 986 877	2 432 936	2 343 923
IV	Солиққа тортиш	1 936 849	428 890	468 399	523 348	516 212
V	Соф даромад	6 504 107	1 248 329	1 518 479	1 909 588	1 827 711

## 10. 2015 йил учун прогнозланаётган баланс

(минг. сўм)

Кўреатгич номи	давр бошида	давр охирида	Кўреатгич номи	давр бошида	давр охирида
<b>АКТИВ</b>			<b>ПАССИВ</b>		
Узоқ муддатли активлар, жами	14 145 581	14 730 803	Шахсий воситалар манбалари	29 394 689	29 116 008
Баланс қийматидаги асосий воситалар	20 088 684	21 725 998	Устав капитали	12 118 278	12 118 278
Қолдиқли қийматидаги асосий воситалар	13 429 055	14 221 074	Қўшимча капитал	564 835	564 835
Баланс қийматидаги номоддий активлар	928 759	928 759	Захира капитали	6 783 659	7 462 025
Қолдиқли қийматидаги номоддий активлар	215 708	401 460	Сотиб олинган шахсий улушлар		
Узоқ муддатли инвестициялари			Тақсимланмаган фойда	9 570 472	8 613 425
Ўрнатилган қурилмалар	66 765	66 765	Максадли тушумлар	-	
Капитал киритмалар	434 053	41 500	Келгусидаги харажат ва тўловлар захираси	357 445	357 445
Жорий активлар			Мажбуриятлар		
Ишлаб чиқариш захиралари	328 139	295 325	Жорий кредиторлик қарздорлиги	273 850 298	245 763 372
Келгуси давр харажатлари	5 116	6 139	Узоқ муддатли карз (заём) лар		
Кечиктирилган харажатлар	2 582 498	2 324 248	Узоқ муддатли банк кредитлари		
Дебиторлар	286 107 888	257 497 099			
Пул маблағлари					
Қисқа муддатли инвестициялар	75 765	25 765			
<b>БАЛАНС</b>	<b>303 244 987</b>	<b>274 879 380</b>		<b>303 244 987</b>	<b>274 879 380</b>

## 11. Ликвидлик, рентабеллик ва белгиланган чегаралардан қўйи бўлмаган ишлаш коэффициентлари

Шуни таъкидлаш керакки, “пул маблағлари” ва “мажбуриятлар” бўлимларига биржа мижозлари ва аъзоларининг (савдо иштирокчиларининг гаров суммалари) дебет бўйича ва ушбу воситаларни баланс кредити битимлари тугагандан кейин қайтариш мажбуриятлари киритилган.

2015 йил учун Биржанинг прогнозланган баланси ва молиявий режаси асосида (биржа мижозлари пул маблағлари ва мажбуриятларини олиб ташлаганда) қўйидаги асосида иқтисодий кўрсатгичлар ҳисоблаб чиқилган:

ликвидлик Коэффициенти -1,3;  
активларнинг рентабеллик Коэффициенти – 0,07;  
харажатларнинг рентабеллик Коэффициенти – 0,58;  
Шахсий айланма воситалари билан таъминланганлик Коэффициенти – 0,22;  
Шахсий ва қисқа муддатли қарз воситалари муносабатининг коэффициенти – 1,00;  
Асосий воситалар эскириш Коэффициенти – 0,65.

## **12. Дебиторлик қарздорлигини ундириш ва кредиторлик қарздорлигини камайтириш бўйича чора-тадбирлар**

«ЎзРТХБ» АЖ да олинган ТМБ ва хизматлар бўйича шартномалар ижросини таҳлил қилиш, ҳамда таъминотчи ва буюртмачилар билан доимий аснода ўзаро ҳисобкитоблар ўтказиш орқали таъминотчилар олдидаги дебиторлик қарздорлиги ва мажбуриятларни қисқартириш бўйича доимий ишлар олиб борилади.